

Бельгия Қироллиги Европанинг шимоли-ғарбида жойлашган. Худуди — 30,528 минг квадрат километр, чегараларининг умумий масофаси — 1,445 километр. Бу мамлакатда француз, нидерланд (фламанд) ва немис тиллари давлат тиллари ҳисобланади.
Пойтахти — Брюссель (1 миллион киши). Ириқ шаҳарлари — Антверпен (468 минг киши), Льеж (195 минг киши), Гент (230 минг киши), Шарлеруа (207 минг киши).

Федератив давлат бўлган Бельгия конституцион парламент монархияси ҳисобланади. Давлат бошлиғи — қирол. Бельгия қироли — Алберт Иккинчи. Ижроия ҳокимият қирол ва ҳукумат тарафидан амалга оширилади, улар парламент олдидан масъул.

Бельгия дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари сирасига киради. Саноат тараққиётининг юксак техникавий даражаси жаҳон бозорида Бельгия маҳсулотларининг рақобатга бардошли бўлишини таъминлайди. Янги технологияни қўллаш, Бельгия саноат потенциалининг асосини ташкил этувчи кичик ва ўрта корхоналарни қўллаб-қувватлаш хорижий сармояларни жалб этишга ёрдам берапти.

Бор-йўғи 3 фоиз аҳолигина қишлоқ ҳўжалиги билан машғул (ҳар бир деҳқон 80 кишини боқади). Қишлоқ ҳўжалиги асосини ўрта ва кичик фермер ҳўжаликлари (улар 90 мингта) ташкил этади, бир ҳўжаликнинг ўртача майдони 15 гектар. Чорвачилик қишлоқ ҳўжалигининг етакчи соҳаси ҳисобланади, у жами қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг 70 фоизини беради. Маҳсулотнинг кўпчилиги турлари бўйича ишлаб чиқариш ички эҳтиёжини 1,5—2 баравар қоплайди.

Бельгия муҳим савдо ва коммуникация йўллари кесибган ерда жойлашган. Мамлакатнинг жаҳон савдосидаги улуши 2,7 фоизни ташкил этади. Экспортда автомобиль соҳаси маҳсулотлари етакчи ўринни (экспорт умумий миқдорининг 16,3 фоизини) эгаллайди. Бельгиянинг асосий шериклари — Европа Ҳамжамияти мамлакатлари, ташқи савдо оборотининг 70 фоизи

улар зиммасига тушади. Мамлакатда француз, нидерланд, немис тилларида 50 га яқин кундалик газета ва 6 махсус молиявий-иқтисодий нашр чоп этилади. Радио ва телевидение икки мустақил йўналишга бўлинган, уларда дастурлар француз ва нидерланд тилларида олиб борилади.

Бельгия Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 31 декабрда тан олди. 1993 йилдан бошлаб Брюсселда Ўзбекистон элчихонаси

публикасига келиб кетди. Хайъат Тошкентда бўлган пайтида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов ҳамда республиканинг бошқа раҳбарлари билан учрашувлари бўлиб ўтди. Шунингдек, Ўзбекистон — Бельгия бизнес-семинари ҳам ўтказилди, унда Бельгия ва Ўзбекистон тadbirkorлари савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш масалалари бўйича фикр алмашди.

Ўзбекистон Бельгияга рангли металллар

тон виллоятлари ва туманлари ҳокимлари хайъати бориб келди. Сафар жараёнида тўқимачилик дастгоҳлари, йигирув ва пардозлаш машиналари, гилам тўқиш саноати учун ускуналар тайёрловчи, сутни қайта ишлаш ва шу кабилар билан машғул бир талай Бельгия фирмалари вакиллари билан музокаралар олиб борилди.

Ўз навбатида Ўзбекистонга Люксембург шаҳзадаси — Жан бошчилигида Бельгиянинг йирик компанияси — «Коминко» раҳбарлари ҳам келиб кетди. Шаҳзадани Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов қабул қилди. Компания ва мамлакатимиз корхоналари ўртасида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ишлар бошлаб юборилди.

Маданӣ ва инсонпарварлик соҳаларидаги икки томонлама алоқаларни эслатиб ўтмаслик мумкин эмас. Ўзбекистон Бельгиянинг биродарлашган шаҳарлари ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш борасида ишлар олиб бориляпти.

Тўқимачилик саноати, мева-сабзавот маҳсулотлари, пахта чикитларини қайта ишлаш, сақлаш ва жўнатиш, қадокланган ашёлар чиқариш бўйича қўшма корхоналар тузиш, шунингдек, Ўзбекистонда Бельгия фермерларининг қорамолларни парвариш қилиш ва гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича, қурилишдаги, фармацевтика саноатидаги тажрибаларини жорий этиш Ўзбекистон — Бельгия муносабатларининг янада истиқболли йўналишлари ҳисобланади. Ўзбекистон ва Бельгия ўртасидаги ўзаро фойдали муносабатларни сайёҳлик, ходимларни ўқитиш, банк ишидаги тажрибаларни ўрганиш соҳаларида ҳам тараққий эттириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримовнинг Бельгияга бўлажак сафари икки томонлама муносабатларга янги туртки бериши шубҳасиз. Давлатимиз раҳбарини Бельгия Қироли Альберт Иккинчи, бош вазир Жан Люк Дехане, Бельгия Парламенти палаталари раислари, ЕИҚ раиси Жак Сантер, НАТОнинг Бош қотиби Хавьер Солана, шунингдек, тadbirkorлар билан учрашуви кўзда тутиляпти.

«ЖАХОН» ахборот агентлиги.

ЎЗБЕКИСТОН — БЕЛЬГИЯ: ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

12—14 НОЯБРЬ КУНЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН
БЕЛЬГИЯДА Бўлади

Расмий ташриф арасида

фаолият кўрсатяпти, Тошкентда Бельгия Қироллиги элчиси аккредитация қилинган. Элчихоналар очилиши билан икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар янада такомиллашди. 1995 йил майида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири А. Комилов билан Бельгиянинг ташқи иқтисодий алоқалар вазири, бир пайтнинг ўзида ташқи ишлар вазири вазифасини ҳам бажарган Р. Урбен билан учрашуви бўлиб ўтди. Ҳозирги пайтга келиб томонлар тарафидан икки мамлакат ташқи ишлар вазириликлари ўртасида Қўшма декларация, икки тарафлама солиқ солишининг олдини олиш ва ҳаво йўллари тўғрисидаги Битимлар тасдиқланган. Сармоя эҳтижини рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш ҳамда илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги Битимлар тайёрланяпти.

Шу йилнинг июнида Бельгиянинг собиқ ташқи савдо вазири, сенатор Р. Урбен бошчилигидаги Бельгия Қироллиги ҳукумати ва тadbirkorлари вакиллари Ўзбекистон Рес-

ва бошқа маҳсулотлар етказиб бераётган бўлса, Бельгиядан Ўзбекистонга фармацевтика маҳсулотлари, шу жумладан, дори-дармонлар ҳамда гиламлар, жундан қилинган товарлар олиб келиняпти.

1996 йилнинг дастлабки тўққиз ойи мобайнида мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш 68,2 миллион АҚШ долларини ташкил этди, бу ўтган йилнинг худди шу давридаги кўрсаткичга қараганда 17,1 марта кўп. Ўзбекистонда қурилиш ускуналари, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида Бельгия сармояси иштирокида ташкил этилган талай қўшма корхоналар фаолият кўрсатяпти. Булар ичидан «Ассекон ЛТД», «Целлюлоза интерпрайз», «Бутрик ЛТД» ва бошқалар бор. Бельгиянинг яна уч фирмаси — «Луис Дрейфус Коттон Н.В.», «Делойт энд Туш Си-Ай-Эс», «Электр алоқа бўйича халқаро жамият (СИТА)» Тошкентда ўз вакилликни очди.

1994 йил февралда Бельгияга Ўзбеки-

КОРТРЕЙК МАНЗАРАЛАРИ



Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг пойтахти кўҳна ва навқирон Тошкент шаҳри дунёнинг кўпгина шаҳарлари билан ҳар томонлама ва яқин алоқалар ўрнатган. Мустақиллик шарофати ила Тошкент билан биродарлашган шаҳарлар сони ҳам кундан кунга ошиб бормоқда.

Бельгия Қироллигининг гўзал шаҳар-

ларидан бири бўлмиш Кортрейк ҳам Тошкент билан биродарлик ришталарини боғлаган шаҳардир. Бу шаҳарда тез-тез турли хил анжуманлар, симпозиум ва конгресслар ўтказиб турилади. Ана шундай анжуманларнинг бирида «Тошкент оқшоми» газетасининг махсус муҳбири Солиҳ Ёқубов ҳам қатнашишдек шарафга муяссар бўлган эди. Журнали-

ст ҳамма ерда журналист-да! «Оқшом» ходими анжумандан бўш вақтларида Кортрейк шаҳрининг замонавий бинолари билан бирга шаҳарга кўрк бағишлаб турган қадимги иморатларини, кенг ва раvon қўчаларини, кишини мафтун этадиган ажойиб табиат манзараларини тасвирга туширган эди...

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ислоом Каримовнинг Бельгия Қироллигига расмий ташрифи арасида Кортрейк шаҳри манзараларини «Тошкент оқшоми» муштарийлари диққатига ҳавола этишни лозим деб топдик.

СУРАТЛАРДА: Тошкент билан биродарлашган Кортрейк шаҳрининг манзаралари. Солиҳ Ёқубов тасвирга олган суратлар.



БМТнинг Маориф, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи ташкилоти — ЮНЕСКО шу кунларда ўзининг ярим асрлик тўйини нишонламоқда. ЮНЕСКО «Фоялар лабораторияси», уларни ҳаракатга келтирувчи куч, жаҳон ҳамжамияти ва ҳар бир давлат фойдаланадиган илғор тажрибани кенг ёйдиган ташкилот сифатида ноёб нуфузга эга.

Дарҳақиқат, 1945 йилнинг 16 ноябрида Лондонда маъмур ташкилотини тузиш тўғрисидаги низоом қабул қилинди ва 1946 йил 4 ноябрдан у Парижда ўз фаолиятини бошлади. Ташкилотнинг асосий мақсади маориф, фан ва маданият соҳасида мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш йўли билан дунёда тиңчилик ва ҳавфсизликни таъминлашга кўмаклашидир.

ЮНЕСКО турли мамлакатларда илмий ва маданӣ тadbirkorлар ўтказиб туради ёхуд бу каби ишларга ёрдамлашди. Мамлакатимиз истиклолга эришгунга қадар ҳам, ЮНЕСКО Ўзбекистонга катта қизиқиш билан қарар эди. Бу обрўли халқаро ташкилот ўзбек халқининг жаҳон маданияти хазинасига қўшган улкан ҳиссасини ҳисобга олиб, буюк қомусий алломалар Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Сино таваллуудларининг 1000 йиллигини, азиям шаҳар Тошкентнинг 2000 йиллигини кенг миқёсда нишонлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган эди. 1969 йилда эса Самарқандда Темурийлар давридаги Урта Осиё санъатини ўрганишга бағишланган симпозиум ўтказилди.

Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасидаги муносабатлар мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг янги босқичга кўтарилди. Бунда Президентимиз Ислоом Каримовнинг хизматлари гоят катта.

1993 йил 29 октябрда Ўзбекистон ЮНЕСКОнинг тўлақонли аъзоси бўлди. Уша пайтдаёқ ЮНЕСКО ўтказётган тadbirkorлар дастурига буюк мунажжим ва давлат арбоби Мухаммад Тарағай Улугбек таваллуудининг 600 йиллигини нишонлаш таклифи киритилди. ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида буюк аллома юбилейининг юксак даражада нишонланиши Ўзбекистон билан ушбу ташкилот ўртасидаги ҳамкорликнинг янги асосдаги ривожини бошлаб берди.

Бу тadbirkor бобокалонимиз Амир Темуру таваллуудининг 660 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган байрамнинг бошланishi, деб ҳисобланади. ЮНЕСКО билан мамлакатимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг самарали бўлишида Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссияси тузилиши муҳим қадам бўлди.

1995 йилнинг август ойида ЮНЕСКО Бош директори Ф. Майорнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи, унинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов билан музокаралари ва Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумнинг имзоланиши, Самарқандда ЮНЕСКОнинг Марказий Осиё тadbirkorлари халқ-

ЎЗБЕКИСТОН — ЮНЕСКО:

АЛОҚАЛАР РИВОЖЛАНАВЕРАДИ

ро институтининг очилиши ўзаро муносабатларни янада юқори поғонага кўтарди ва ҳамкорлик соҳаларини кенгайттирди.

ЮНЕСКОнинг ёш, мустақил давлатларга таълим ва фанни ривожлантириш, миллий сийвасатни ишлаб чиқиш, уларнинг ўзига хос маданиятини қайта тиклашга, оммавий ахборот воситалари соҳасида ўзига хос тизимларни барпо этиш тамойилларини белгилашга кўмаклашишга қаратилган фаолияти жаҳонда кенг эътироф этилмоқда.

Унинг 1995 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида бўлиб ўтган 28-Бош Ассамблеясида Амир Темуру таваллууд тоғпан кунининг 660 йиллигини дунё миқёсида нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. Бу бобокалонимизнинг жаҳон фани ва маданиятига, Шарқ цивилизацияси ва тараққиётига қўшган улкан ҳиссасининг бутун жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинishi демакдир.

Шу муносабат билан, Президентимиз ташаббуси билан жорий йилнинг апрель ойида ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида «Темурийлар даврида фан, маданият ва таълим раванки» мавзуида нуфузли халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Абдурауф Фитрат таваллуудининг 110 йиллиги олдидан

АДАБИЁТИМИЗ ТАРИХИДАГИ ЁРҚИН СИЙМО



Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан ўзбек адабиётининг пуриқор чўққиларидан бири — Абдурауф Фитрат туғилган кунининг 110 йиллиги миллий маданиятимизнинг қутлуг маъракаларидан бири сифатида кенг нишонланади. Шу муносабат билан маъмур юбилейни ўтказиш комиссияси аъзоси, Алишер Навоий номидаги адабиёт институти бўлим мудири профессор Намик Каримовдан атоқли ёзувчининг қутлуг тўйига қандай тайёргарлик кўрилатгани ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдик.

— Фитрат ўзбек маданияти ва илм-фанининг атоқли намояндalarидан биридир. Унинг таваллууд санаси кенг нишонланиши республикамизда тарихий қадриятларга юксак эътибор берилаётганининг яна бир яққол кўринишидир.

Яқинда юбилей комиссиясининг навбатдаги ййгилиши бўлиб, унда тегишли ташкилотларнинг раҳбарлари юбилей билан боғлиқ тadbirkorларнинг бажарилиши ва Фитрат номининг абадийлаштирилиши борасида амалга оширилатган ишлар тўғрисида ахборот бердилар. Шунингдек, юбилейнинг юксак савияда ўтишига алоқадор янги тақлифлар ҳам ўрганиб чиқилди.

Фитратнинг 110 йиллигига бағишланган юбилей кечасини декабрь ойининг биринчи ярмида ўтказишга қарор қилинди.

Фитрат асримизнинг бошларида эълон қилган асарларида миллий уйғонмиш характерининг ўзига хос дастурини ишлаб чиқиб, маслакдош дўстлари билан унинг ҳаётга татбиқ этилиши учун кўп кун кўйдирди. Айниқса, 1917 йил февраль инқилобидан кейин ўзбек диёрда истиқлол байрогининг хиллаб туриши учун оташин шеърӣ асарлар, публицистик мақолалар, драмалар билан майдонга чиқди. Ўзбек халқининг бирлашиши ва истибодот кишанларини парчалаб ташлашини чин юракдан орзу қилди.

Шуни таъкидлаш керакики, XX аср ўзбек адабиёти тарихи билан шуғулланувчи олимлар даврининг турфа шамолларига қарамасдан, ҳеч қачон Фитрат ижодини эътибордан четда қолдирган эмаслар. Юбилей муносабати билан бу иш янада кучайди. Ана шу савъ-ҳаракатлар натижаси ўларок, шу вақтга қадар Фитрат ҳаёти ва ижодига бағишланган юздан зиёд мақола эълон қилинди, бешта монографик тadbirkor яратилди, иккита докторлик диссертацияси тайёрланди. Айни пайтда республика газети ва журналларида Фитратнинг қарийб барча муҳим бадиий ва илмий асарлари чоп этилди, аллоمانинг ўзбек мумтоз музикаси, адабиёт назарияси, Бухоро амричилиги ва Ислоом тарихига доир бир қанча китоблар муҳлислари қўлига теғди. Юбилей кунларига қадар эса адибининг «Чин севиш» деб номланган бир жилдик асарлар тўплами китоб дўконларига чиқарилади. Аллома ҳақида ҳужжатли фильм суратта олинмоқда. Фитрат тасвири туширилган плакат ва конвертлар тайёрланмоқда.

Комиссия Фитрат меросини ўрганиш ва оммалаштиришга қаратилган ишларни юбилейдан кейин ҳам давом эттириш чораларини белгилади. Шу пайтга қадар республика радиоси Фитрат юбилейига бағишланган 30 дан зиёд, телевидение эса 15 дан ортӣқ эшиттириш ва кўрсатув тайёрлади. Аллома ҳаёти ва ижодини тарғиб этиш борасидаги хайрли ишлар бундан кейин ҳам давом эттирилади. Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат наشريёти 1997 йилда «Фитрат замондошлари хотирасида» китобини, «Фан» наشريёти эса ёзувчи «Тўла асарлар тўплами»нинг дастлабки жилдларини босмадан чиқаради.

Маданият ишлари вазирилиги тасдиқлаган режага кўра Ҳамза номидаги академик драма театри Фитратнинг «Абулфайзон» драмасини қайта тиклайди. Муҳимий номидаги музӣий театр «Або муслим», Бухоро вилоят театри эса «Чин севиш» пьесаларини сахналаштиради.

Юбилей олди тadbirkorлари тўғрисида сўз борар экан, республикамизнинг кўпгина виллоят ва шаҳарларида Фитрат ижодига бағишланган илмий-назарий конференциялар ўтказилгани, юбилей кунларида эса Фанлар академиясида етакчи олимлар иштирокида Фитратнинг серқирра ижодий меросини ўрганишга бағишланган илмий анжуманининг уюштирилишини айтиб ўтиш лозим. Адибининг киндик қони тўкилган Бухорода эса Фитрат боғи барпо этилиб, унга машҳур юртдошимизнинг бюсти ўрна-тилади. Шу виллоятдаги Фитрат номли мактабнинг боғида эса аллома хайкали қад ростлаб турибди. Истиқлол Фидойиси номини абадийлаштириш борасида бошқа виллоятларда ҳам савобли ишлар амалга ошириляптир.

Фитрат сингари сиймолар фақат ўзбек халқининг ифтихори эмас, балки улар қолдирган адабий, илмий мерос бошқа халқларнинг ҳам мулкидир. Америка Қўшма Штатлари, Германия, Япония, Туркия сингари мамлакатларда ҳам Фитрат ижодига қизиқиш гоят катталиги шундан далолатдир. Яқинда тоқмолик шарқшунос олим Хисао Куматси япон тилида Фитрат ҳаёти ва ижодига бағишланган йирик рисоласини нашрдан чиқарди. Хуллас, шўролар даврида муборак номи бадном этилган Фитрат ўзбек адабиёти тарихидан ўзининг муносиб ўрнини эгалламоқда.

Аҳмад ХУЖА суҳбатлашди. (ЎЗА).

Шунингдек, ЮНЕСКО Бухоро ҳамда Хева шаҳарларининг 2500 йиллигини нишонлаш ҳақидаги қарорлар қабул қилди.

Президентимиз Фармонига биноан, ЮНЕСКО билан мамлакатимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришдаги бекиёс хизматлари учун, ушбу халқаро ташкилот бош директори Федерико Майор ватанимизнинг «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.

Бугунги кунда ЮНЕСКОнинг жаҳон илм-фанини тараққий эттириш ҳамда халқларни инсониятнинг бой маънавий мероси билан таништиришдаги ўрни бениҳоя катта. Президентимиз ЮНЕСКО ижроия кенгашининг Парижда бўлиб ўтган сессиясида таъкидлаганидек, «ЮНЕСКОнинг ноёблигини биз энг аввало сайёраимиздаги катта ва кичик халқларнинг ўтмиши ва бугунги кунига бир хил ҳурмат ҳамда авайлаб қилинаётган муносабати сақлаб қолган ҳолда, ЮНЕСКО доирасида ўзига хос ва бетакор миллий маданият ҳамда жаҳон цивилизацияси ютуқларини кенг намойиш этиш учун гўзал имкониятлар яратилаётганида кўрамиз».

Шу кунларда ЮНЕСКО ташкил этилганининг 50 йиллиги жаҳонда кенг нишонланмоқда. Мамлакатимиз халқи ҳам бу санани қўвонч билан қаршиламқда. Юбилейга бағишлаб юртимизнинг турли гўшаларида байрам тadbirkorлари ўтказилаптир. Ишонамизки, ЮНЕСКО ва Ўзбекистон ҳамкорлик алоқалари бундан буён ҳам ривожланишда давом этади.

Арбор ҚИЛИЧЕВ, (ЎЗА).

Аския

АВТОУЛОВ ПАЙРОВИ

ЭРКИН АКА. Дам олиш куллари дўстлар билан бир дам олишга чиқмайми-а? Правангиз бордир ахир.

УБАЙДУЛЛА АКА. Келинг, майли сазангиз ўлмасин, чиксақ чикайлик бир дам олишга. Кўнглингизни овлаб, ўйнатай бир.

ЭРКИН АКА. Яшанг, яшанг ука, бу бошқа гап. Енгил автоуловингизда дам олишга чиқамизу аммо бошқаришга ҳали хомирқисизда. Тагин йўл қоидасини бузиб, «Убайдулланинг талони тешилди» деган маломатга қолмасак деб кўркаман.

УБАЙДУЛЛА АКА. Бўлмаган гап. Мен уста ҳайдовчиман, ҳеч йўл қоидасини бузмайман. Ахир сизга неча марта айтман, хавотир олманг, айтган жойингизга обораверман деб.

ЭРКИН АКА. Енгил автоуловингизга кўпчилик чиқиб олсақ, йўлда ўтириб қолмайси-ми?

УБАЙДУЛЛА АКА. Мени йўлдан асло адаштира олмайси-ми. Ўйдим-чүкур жойларни билман-у ахир.

ЭРКИН АКА. Тўғри айтасиз, йўл ҳар хил бўлади. Чүкурларни олдиндан кўриб, ахтир қилиб ҳайдашингизку яхши-я, балчиқда ботиб қолишингиз ёмонда.

УБАЙДУЛЛА АКА. Сиз ҳам яхши ҳайдовчи кўринаси-зу аммо кўтарганингизча юк олмайси-да. Тунов куни йўлда катта тезликда кетаяси. Эшигингиз очилиб кетганини ҳам фаҳламабсиз.

ЭРКИН АКА. Дарров ўшанга кўзингиз тушдими? Ундан кўра тўғри юриш урилавормай.

УБАЙДУЛЛА АКА. Мен доим тўғри юраман. У сиз оралиқнинг неча газлигини билмай, арасатда қолиб, нукул орқангиздаги бошқа ҳайдовчиларни хуноб қилиб юрадиган.

ЭРКИН АКА. Тўғри айтасиз, ука. Йўл юрганда оралик масофани сақлаб юриш керак. Сизнинг орқангиздаги транспортнинг тўсатдан тормози ишламай қолса борми, айтганингиздек уради, қўяди. Эхтиёт бўлмасангиз, «ҳайдовчи автоуловни едия» деган гапга қоласиз.

УБАЙДУЛЛА АКА. Иккимиз ҳам автоулов ҳайдовчиси эканми-з. Юринг бир «Ош»га олиб бориб ўйнатай келай.

ЭРКИН АКА. Майли, сайр ҳам сайр, саргардон ҳам сайр. Мабодо йўлда толиқиб қолсам автоуловни бошқара олмасми-а? Қани, талонингизнинг бутун жойи борми ўзи?

УБАЙДУЛЛА АКА. Ҳечам хавотир олманг, ака. Ҳамма ҳужжатларини тоза. Сизни олиб бориб, олиб келаварман. Йўллардаги лақ-луқларга чидасангиз бас...

ЭРКИН АКА. Йўл ҳар хил бўлади, ўнқир, чўнқир, пастилик, тепалик, хуллас ҳайдовчи уста бўлса, йўлда йўловчи қоқилмайди. Бунинг учун менга ўхшаш бир корхонада узоқ йил ТНБ ишлашингиз керак.

УБАЙДУЛЛА АКА. Гапингизга қўшилиману, аммо бироз катта кетвормадингизми-а? Ўтган кунингизни унутманг дарров. Сайрга чиққан одам кўп гапирмайди. Етиб келдик манзилга. Одамларни тушириб олинг.

Абдулла ТОЛИПОВ.

Яқиндагина кичик бир идорага ишга жойлашиб олган Дилмуроднинг бошлиқ ҳузурига чақириб қолди. «Узи нима гап экан?» деган ҳаёл билан бошлиқ эшигини аста тақиллатди. Ичкаридан «Киринг» деган йўғон овоз эшитилди.

— Мумкинми? — оҳиста сўради Дилмурод эшикни қия қилиб очаркан.

— Кел, ука, келавер. Қани, буюққа ўтирчи, — дея жой кўрсатди бошлиқ салом-алиқдан сўнг.

Дилмурод бошлиқ кўрсатган курсига ўтирди. Бошлиқ гапиршга шошилмасди, стол устидаги қоғоз уюмларини йиғиштириб, бир чеккага суриб қўйди, чўнтагидан папирос пачкасини чиқарди, уни очиб, ичиндан битта папиросни олди-да, унинг бир унчи қалин лаблар орасига қистирди, сўнг гугуртни «чирс» этиб ёқиб, папиросни тутатиб олди. Бошлиқ папиросни ҳузур қилиб чекаётгани шундоққина билиниб турарди, у ҳар гап оғзидан чиққан тутунни, чап қўли билан у ёқ-бу ёққа ҳайдаб тарқатишга уринарди.

Ҳар замонда ўзи ўтирган айланма ўриндикни у ёқдан-бу ёққа айлантириб қўярди. Ниҳоят у томоғини қириб, йўталиб олди, сўнг гап қолди:

— Нима десам экан? — бироз ҳаёл сургандай бўлди у. — Хуллас, гап бундай ука. Идорамизда азалдан яхши бир одат бор: ишга янги қабул қилинган одам бу шонли воқеани ўз ҳамкасблари билан бирга албатта нишонлайди. — У «албатта» сўзига алоҳида ургу берди, сўнг гапда давом этди: — яхшиши — чойхона палов, ҳаммаси тез ва сод ўтади, ўзингни ҳам, уйдагиларни ҳам уринтирмайсан. Ҳўш, нима дейсан?

Дилмуроднинг ҳижолатдан ёноқлари қизариб кетди, нима дейишини ҳам билмасди, у эндигина олий илмгоҳни битириб, йўланма билан шу идорага ишга келганди. Иш бошлаганига атиги икки ҳафта бўлди, эрта-индин биринчи маошини олади. Биринчи маошини онасининг қўлига топширишни ният қилиб юрганди. «Бошлиқнинг га-

пини қайтариш одобдан эмас — дея ҳаёлидан ўтказди у. — Нима қилсам экан? Маош етариикан? Онамга нима дейман?» Кетма-кет ёғилиб келатган бу саволларга Дилмурод жавоб тополмай ҳайрон эди.

— Ҳўш, таклиф ёқмадими? — бошлиқнинг саволидаги нозилиқ оҳангидан Дилмурод хушёр тортиди.

— Йўғ-е, ундай эмас. Сиз нима десангиз шу, Даврон Султонович.

— Бу бошқа гап, бу ўғил боланинг гапи. Бўлмаса тайёргарлигингни куравер, ука. Кунини ўртоқларингизга айтасан.

— Ҳўп бўлади...

Дилмурод хонадан чиқаркан, бошлиқ янги ходимдан мамнун ҳолда унга қараб қолди.

ЧОЙХОНА ПАЛОВ Ҳажвия

Орадан уч-тўрт кун ўтгач, Дилмурод ҳамкасбларини шаҳардаги энг яхши чойхонага таклиф қилди. Узини ҳам қўшиб ҳисоблаганда ўн беш нафар эркак тўпланибди. Ошдан олдин бироз ширақай бўлиб олган ҳамкасблари Дилмурод шаънига мақтов гапларни ёғдира кетишди. Хар қадаҳ қўтарилганда албатта Дилмуроднинг исми тўлга олинар, унинг фазилатларидан бири алоҳида уқдириб ўтиларди. Катта сопол лаганларга ош сузиб келтирилганда эса мақтовлар авжига чиқди. Айниқса идора раҳбари айтган гаплар уни беҳад хушнуд этди...

Дилмурод эртаси кунни бундоқ хомчўт қилиб кўрса, нон, мева-чева, салқин ичимликлардан ташқари, ош билан арақнинг ўзига 1.400 сўм сарф қилинган.

— Майли, нима бўлса ҳам янги идорада одат тусига кирган тадбирдан бир амаллаб кутулиб олдим, — кўнглидан ўтказди у. — дўстим Қобилжондан олган 500 сўм қарзини бир амаллаб узиб юбарман.

Бир ой ўтгач Дилмуродни яна бошлиқ хонасига чақириб қолди.

— Биз сени намунали ишнинг учун мукофотламоқчимиз, нима дейсан? — одатдагидек савол билан

ҲОЖАТБАРОР

Ҳузурхўжа Савлатович одами қадрлайдиган зот. У кишининг ҳузурига ким кирмасин, оёғи олти бўлиб чиқди. Фақат, баъзан... кайфиятлари жойида бўлмаса, айтилиқ, одамзот — ис- сик жон деганларидек бирон жойлари оғриб турган бўлса нафақат талабалар, ҳаттоки домла- лар ҳам ўринбосар қабулхонасидан қовоқ-тум- шуқлари осилиб чиқадилар. Менимча, талаба- лар сал сабр-тоқатли бўлишсалар, ёмон бўл- масди. Ахир, ўзимиз ҳам совик илми толиблар- дан. «Ким табиб — бошидан ўтган табиб», де- ганлар.

Фалақнинг гардиши билан мен ҳам ўринбо- сар акамиз ҳузурига қирадиган бўлиб қолдим. Боиси, сиҳатхонага тушиб, анча ётиб чиқдим. Дарслардан орқада қолиб, битта имтихонни то- пира олмадим, кейин стипендиядан олиб таш- лашди. Имтихонни-ку, бир амаллаб топширвол- дим, фақат энди ариза ёзиб, тўхтаб қолган сти- пендиямни қайта тиклашим керак эди.

Кўлимда ариза, рухсат сўраб хонага кириб бордим. Ана, Ҳузурхўжа ака «Т» шаклидаги стол тўрида очик дераздан дарбарларнинг хилги- ратиб қираётган майин шабадага қўй тинглаёт- гандек тебраниб, газета ўқиб ўтирибдилар.

— Ассалому-алайкум, домлажон! — Вазалайкум ассалом, келинг. Ҳўш, хизмат? — сўрадилар муовин, газетадан қўзларини уз- май.

— Стипендияга ариза ёзувдим, шунга... — Ариза денг, ариза! Нима, стипендия ол- масмидингиз? Сабаб?

— Мазаб бўлмай қолиб, даволаниб чиқдим. Энди...

Ўринбосар кўлидаги газетани қўйиб, гугурт чўпида тиш қавлай бошлади.

— Маза бўлсин-да, ука. Ўзингиз мусофирга ўхшасиз, узоқ жойдан келгансиз ўқийман деб. Шундайми? Раз шундай бўлганидан кейин ўқиш керакда, ука. Ўқийшингизнинг мазаси йўққа ў- хшайди, шундайми? Қарзингиз бормиди, нима бўлди?

— Имтихон бор эди, топширдим.

— Топшираганингиз хўб яхши бўпти. Энди, сти- пендия оламан десангиз, ўқиш керак, ўқийши бир тузатволинг! кейин кўрамин аризангизни. Ҳўпми? Ана шундай бўлсин.

Мендан олдин кириб чиққан талабанинг ав-

зойидан Ҳузурхўжа Савлатовичнинг бугун кайфиятлари йўқлигини сезувдим-а. Билиб туриб нега кирдим-а? Ахир, тиш-пиши оғрибтандир-да, зўр бериб тиш қовлаяпти. Тарвузим кўлтигимдан тушиб, хайралашини ҳам уни тобман. Эшикка энди яқинлашувдим ҳамки, муовин бир нима дегандай бўлди- лар. Шошиб оркамга ўтирилдим.

— Шошманг, шошманг, ука, сиз халиги... Ўзимизнинг... Эшқувватро бўлмаг тагин?

Мен аввалгига селдан кутулиб, дўлга та- ралишим деб кўрқиб кетдим. Кейин қара- сам, муовин илжайиб турибди. «Ҳа» девор- сам, иш битадиганга ўхшаб қолди. Узимни унглаб олиб, «Ҳа, худди шундай. Ҳузурхўжа ака», дедим.

Ўринбосар жонланиб, ўрнидан туриб кет-

ди. — Э, узр, узр, биздан ўтди. Бу, сал бўл- маса... Яхшиямки эсимга кеб қолди-я. Боя Тўрақон акамнинг ўзлари телефон қилди- лар. Ие, у ерда нима қилиб турибсиз. Қани, бери келинг, мана бу ёққа ўтинг. — муовин қўлимдан тутиб ёнбошидаги юмшоқ ором- курсига ўтказиб қўйди. — Оббо уқанаман- ей! Сал бўлмаса-я?.. Ҳа майли, шунчақсиям бўп туради-да, кўнглига олайсиз. Тўрақон акамнинг ўзлари қалайлар? Соғликлари ях- шими? Уй-ичлари билан тинчмилар? Ўзин- гиз қалайсиз? Оббо укаме-ей...

Ўринбосар бир гапириб, ўн қилиб, ниҳоят аризани сўради. Аризани олдиға суриб қўйди- му, ичимда «Ишқилиб фамилиямни кўриб қол- масин-да» деб турибман. Йўқ, ҳайтовур ўрин- босар менга қулимсираб қараган қўйи аризага панжаргулчин қилиб имзо чекворди.

Хонадан лотерейсига «Жигули» ютан одам- дай ушиб чиқдим. Кўзим аризадаги имзода-ю, ҳаёлим ҳожатбарор Ҳузурхўжа Савлатович ҳам галмўр Тўрақон «тоғамда» «тоғамни йўл-йў- лақай алқаб келаяман. Ана шунча, бизнинг Ҳузурхўжа акамиз одамларни бағоят қадрлайди- лар...

— Мирзаали АКБАРОВ.

АСОСИЙ ЙУЛОВЧИ

«Гоҳида шошлиқин, зарурат билан водийга- ми, Самарқандгами ё бошқа ёққа боришга тўғри келиб қолади. Шунда қаёққа бориши- нги билмайсан. Яқингинада телевизор муҳ- бирлари автобус шохбекатидан ва темир йўл вокзалидан репортаж беришмоқчи бўли- ди-ю, аммо ишини чала қолдириб кетишиди. Автобус ҳайдовчиси билан гаплашиб «Нега юрмаяпсиз?» дейишганда, у «Одам йўқ, йўл ҳақи қиммат» деди, вассалом. Темир йўлга боришиб, у ерда одамларнинг қўпчилигини бир-икки суратга олишгани-ю, сўнгги нима бўлгани натижақис қолди.

Собик мактабдош дўстим телефон қилиб

бошқа шахарга кетаётганини айтмаганда мен қайси транспортнинг қандайлигини умуман билмас эдим.

— Эртага мени кузатиб қўйгин.

— Нима билан кетасан?

— Поезд билан, у анча арзон, уқлаб ке- таман бемалол.

Шундай қилиб эртаси кун кадрдон ош- намини кузатгани вокзалга чиқдим. Шунга ҳам айтиб қўяйки, ён қўчада турадиган эски те- мирйўлчида янги-янги ахборотлар олиб ту- римиз. У ҳар ҳафтада йўл ҳақининг ўзгари- ши, янги чиққан буйруқлар, содир бўлган ҳодисалар ҳақида гапириб, бизларни ҳай- рон қолдиришга ҳаракат қилади.

Хуллас, биз шохбекатга кириб боряпми- з. Вагонга чиқиб эълон қилинди. Кетаётган ҳудуд ҳам, кузатувчилар ҳам кўп. Юк ташу- вилар «пўш-пўш» деб ўртани ёриб ўтиб ке- таапти. Ур-сур билан вагонимизни толиб, етиб бордик. Вагон оғаси чипталарни, юк- ларни текшириб навабт билан одамларни ичкарига ўтказаяпти. Шу он юқори дераза- дан бир қалла қўриқди ва ташқаридаги та- нишига гапирга кетди:

— Ҳақимжон, орқадан узат, орқадан! —

Хангомалар

бошқа шахарга кетаётганини айтмаганда мен қайси транспортнинг қандайлигини умуман билмас эдим.

— Эртага мени кузатиб қўйгин.

— Нима билан кетасан?

— Поезд билан, у анча арзон, уқлаб ке- таман бемалол.

Шундай қилиб эртаси кун кадрдон ош- намини кузатгани вокзалга чиқдим. Шунга ҳам айтиб қўяйки, ён қўчада турадиган эски те- мирйўлчида янги-янги ахборотлар олиб ту- римиз. У ҳар ҳафтада йўл ҳақининг ўзгари- ши, янги чиққан буйруқлар, содир бўлган ҳодисалар ҳақида гапириб, бизларни ҳай- рон қолдиришга ҳаракат қилади.

Хуллас, биз шохбекатга кириб боряпми- з. Вагонга чиқиб эълон қилинди. Кетаётган ҳудуд ҳам, кузатувчилар ҳам кўп. Юк ташу- вилар «пўш-пўш» деб ўртани ёриб ўтиб ке- таапти. Ур-сур билан вагонимизни толиб, етиб бордик. Вагон оғаси чипталарни, юк- ларни текшириб навабт билан одамларни ичкарига ўтказаяпти. Шу он юқори дераза- дан бир қалла қўриқди ва ташқаридаги та- нишига гапирга кетди:

— Ҳақимжон, орқадан узат, орқадан! —



Кулинг дўстлар, умрингиз узоқ бўлади

Юсуфжон қизиқ Шакаржонов.

ҚУПОҚҚА ЧАЛИНГАН ГАПЛАР

• Муаллифнинг китоби ширали тилда ёзилгани учун тезда китобхонларни- нг севимили китобига айлан- ди қолди.

(Адабиёт ўқитувчиси- нинг дегани).

• «Гап ташийди», деган галда жон бор.

(Тилшуноснинг тушуниришидан).

• Йиғилишда бир киши гапирди. Ундан кейин яна бирови гапирди-гапирди. Ҳамма қўл кўтарди. Зал ча- пақка тўлди.

(Ҳамқишлоқларнинг бир-бирига хабари).

• Анави домла тик ке- тадиган бўлди-да?

— Тикка кетса нима бўп- ти, бизга дарс ўтмайди-ку? (Трамвайдаги сўхбатдан).

• Дарсда оқ сақич чай- наб, гаплашиб ўтиргандан, олгизга талқон солиб ўтир- ган минг марта афзал!

• Диққат қилмасангиз ҳам қулқоқ солиб ўтиринг!

(Еш муаллимининг танбеҳлари).

• Халқнинг озгизга туша қўрма, тушсанг сақич бўлиб чайналасан!

(Кўпни кўрган ота- хоннинг маслаҳати).

• Қизлархон шу ерда қолса, Йигиталининг кўзи шаҳар йўлида бўлмайди.

(Қудагайлар сўхбатидан).

• Бункерлар ҳар қадам- да сут қўлиғдай шишиб ке- тааяпти!

(Туман газетасида босилган хабардан).

• Паст бамисоли зумрад денгиз. Ун тўрт кунлик тўли ой оҳиста амақлаб су- зиб бормоқда.

(Бошловчи ёзувчи машқидан).

• Эсинг борида этагин- ни ёп, эсинг йўғида ёпма- санг ҳам майли! (Қайнонанинг келини- га маслаҳати).

• Халтаси буш бўлсаям, ўпкаси тўлиб кепти. (Қайнаганининг мактаниси).

• Обғингни қўлингга олиб, юғриб бориб, юғ- риб қайт. (Отанинг болага буйруғи).

• Олдин яхшилаб ёпиш- тириб, кейин осиб қўйин- лар?! (Деворий газета муҳаррирининг буйруғи).

Хусанбой ТОЖИМАТОВ.

Анвар Обиджон қаламига мансуб жамики «нарсаларни жондлим билан ўқиб бораман. Табийки, уйдагилар ҳам бундан бе- насиб эмас. Бу камсўқум инсонга ўзини шогирд санаб юрсамда, ҳали ижодкорнинг қўп қиррали асарларини билмаслигини англа- дим. Анвар ака ҳақида сўхбат ба- хонасида нимадир дегим келди. Ва шунинг баробарида англади- ки, бирон сўз дейиш ортиқча. Жа- мики таърибу тасниф Анвар Обид- жоннинг болаларга ёзган асарла- рида, ҳажвиётда ва шеърларида жамулжам бўлгандир.

— Анвар ака, сиз қайси жанрда ёзмагн барини қойиллатасиз. Бу- гун сизнинг ҳажвий асарларингиз хусусида сўхбатлашсак. Бу нозик жанрга қўл уришингизга нима туртки бўлган?

— Ёшлиқдан қизиқ эртақлар эши- тишга, қулғили китобларни қайта-қайта ўқишга, комедия фильмларининг ор- қасидан қувиб юриб кўришга жуда ўч эдим. Қолаверса Олтириқ турли қўш- лоқлар аҳолисининг феъл-атвори ҳа- қида бўрттириб айтилган латифалар, айрим тоифалар ўртасида бир-бири- ни қитиклаш учун тўқилган ҳазил-му- тойибаларнинг қони. Юморга ўч бун- гил, қулғига бой муҳит билан бешиқ- дош улғайган ижодкор ҳажв ёзмай ту- ра оладими? Каманага ҳам бешиқда теккан қулғи дегани.

— Сатира ва юморнинг фарқи нимада?

— Буни ҳар сафар шароитга қараб ҳар хил таърифлаш мумкин. Бу сафар «Юмор — хушбўй гул, сатира — тикон- ли гул» десам, мени ҳеч ким қойима- са керак.

— Биринчи ҳажвиангизни эслай оласизми?

— Агар аниқ жавобим учун оз-моз бўлса ҳам қалам пули тўланса эслаш- га астойдил уриниб кўришим мумкин.

— Ҳажвиётнинг ўз олдиға қўйган мақсад-вазифаси бўлади. Бошқа ҳеч қандай жанр уддалай олмаган вазифани сатира-юмор бажаради. Бугунги кунда жанр ўз вазифасини бажараяпти деб айта оламизми?

— Замонлар ўтаверди, ҳажвиёт ҳам гоҳ замбарқат отиб, гоҳ шунчаки юм- давлариш яшайверди, яшайверди. У фақат иккита қолганда ўз вазифасини тўлиқроқ бажара олмаслиги мумкин. Биринчиси — кун истеъдодсиз қалам- кашларга қолганда, иккинчиси — ҳажвчи ўз истеъдодини тўла намойиш этишига шариб тўқинлик қилганда. Шундан келиб чиқадиган бўлсақ, ҳаж- виёт бугун ўз вазифасини сидқидил- дан бажараяптими деган саволга энг тўғри жавобини индинги кундан қиди- риш керак.

— Бу соҳанинг усталари кимлар?

— Саид Аҳмад домла... Устозимиз Неймат Аминов... Ёшлардан Саид Ан- вар бирдангина балхуб кўринди.

— Китобларингизни қаерда кўр- сам сотиб оламан. Негадир ҳаж- вий асарларингизни тўплам ҳоли- да кўрмадим.

— Янгилари анча йиғилиб қолди. Алоҳида тўплам қилсам ҳам бўлади. Лекин ҳозирги қалам пулининг аҳво-

Сахифамиз мөҳмони

БЕШИҚДА ТЕККАН...

Таниқли ижодкор, ҳажв устаси Анвар Обиджон билан сўхбат

лини ўйласам, уларни машинкала- тишга сарфлаган харажатларимни қоплашга етадимми, йўқми деб икки- ланиб ҳам қоласан киши. Ё бир та- ваккал қилиб кўрсаммикин? Нима дейсиз...

— Олтириқ хангомалари айна ҳаётдан олинганими ё...

— Деярли ҳаммаси ҳаётий. Бўяб, пардозлаш, ямаб-чатиш, қўшиб-қис- тириш сингари хизматларда бизни- нг ҳам анча-мунча ҳиссамиз бор, ал- батта.

— Эргаш Каримовга, Шерали

ҚАРИ САРТАРОШ

Бор лақаббоз сартарош — Жирин Самсон Маркович. Дер қирақаш Маратни «Манат Таксопаркович».

Азал ёвдир Маратга ДАНчи Аллон Тешаев. Самсон оға ДАНчини Атар «Таллон Тешаров».

Кўриб қолса биқсемиз Тожизода Урозин, Қийраб: Тутиб беринглар Анов Тожихўрозни!

Йўл қурувчи Аспанни Қаршилар «Кел, Аспал» деб. «Қурган сақич йўлнинг Кўриб қуйсин Нор қал» деб.

Музқаймоқчи Пашани «Болақувар

Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт

Бу йилги мавсум республикамиз тазквондочилари учун жуда муваффақиятли кеңди. Жумладан, Бельгиядаги Кнокке Хейст курорт шаҳрида яқинда ўтказилган Бельгиянинг очик чемпионатидан ҳамюртларимиз юксак муваффақият — саккизта медаль соҳиби бўлиб қайтишди.

дан ташриф буорган мутахассислар ҳам лол қолдилар. Спортчиларимиз ушбу юксак муваффақият билан қаноатлан...

нинг муносиб издошлари эканликларини амалда кўп бор исботламоқдалар. Ва энг мақбул йил — ёшларимизга кўпроқ нута...

даси бўйича беллашувларда спортчиларимиз бир-бирларига теғмаган ҳолда турли зарбаларни кўрсатиб курашсаларда, икки рақиб узаро ҳужумга ўтганида исти...

Иккинчи дан бўйича тил машқларидан эса Элмурод Нурхоновга тенг келадиганлар топилмади. Техник маҳоратга бой, меҳнатсевар Элмурод барча беллашувларни юқори савияда ўтказиб, ҳурмат шохуласининг энг юқори погонасидан жой олди.

ТАЭКВОНДОЧИЛАРИМИЗНИНГ АЖОЙИБ МУВАФФАҚИЯТИ



Юртимиз доврғини таратганлар

Аваллабор шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ушбу анъанавий мусобақа доимо Европанинг энг кучли тазквондо усталарини жалб этади ва кўпгина мутахассислар уни нуфузи жиҳатидан Европа чемпионатига қиёс этадилар. Бу гал ҳам одатдагидек Бельгиянинг очик чемпионатига Англия, Германия, Голландия, Шотландия, Польша, Россия каби давлатлардан 500га яқин тазквондочилар ўз маҳоратларини намойиш этишди.

масдан яна тўққиз — учта жамоа машқлари учун ва олти та шахсий ҳисоб бўйича нишонлар билан тақдирландилар. Бундай ажойиб ғалабадан руҳланган тазквондочиларимиз Бельгияда ҳам жаҳонда энг кучли тазквондо усталаридан эканликларини яна бир қарра исботладилар. Бу ерга жамоанинг бош устози Эдуард Ли Чехиядаги таркибин тайёрлади (жамада фақат тақрибани спортчи Насриддин Толипов жалб этилди). Кувонч билан таъкидлаб ўтиш жоизки, ёшларимиз ўзбек тазквондоси тамал тошини кўйиб, жаҳоншумул мусобақаларда уни муносиб ҳимоя қилган катта авлод вакиллари-

фузли мусобақаларда тақриб орттиришлари учун имкон туғдиришимиз керак. Бельгияда барча йилгиларимиз кучли қатнашшидан бўлсада, уларнинг иккитасини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Чунки, 80 килограммагача бўлган вазнда татамига тушган Шухрат Абдусаматов ҳали усмир бўлса-да катталар беллашувларида зўр муваффақият қозониб, бешта учрашувнинг барчасида соф ғалабани кўлга киритди. Ярим финал учун ўтказилган беллашувда эса у ўзининг германиялик рақибини учинчи сониядек «нокаут»га ўрачати. Гарчи ИТФ тазквондоси қои-

даги шахсий мусобақаларда норасий жамоа ҳисобида биринчи ўринни эгалладилар. Бельгияда барча йилгиларимиз кучли қатнашшидан бўлсада, уларнинг иккитасини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Чунки, 80 килограммагача бўлган вазнда татамига тушган Шухрат Абдусаматов ҳали усмир бўлса-да катталар беллашувларида зўр муваффақият қозониб, бешта учрашувнинг барчасида соф ғалабани кўлга киритди. Ярим финал учун ўтказилган беллашувда эса у ўзининг германиялик рақибини учинчи сониядек «нокаут»га ўрачати. Гарчи ИТФ тазквондоси қои-

Иккинчи дан тил машқларидан Андрей Кан, учинчи дан бўйича эса Леонид Ли (Иковий Бексоддан) кувонч нишонларини кўлга киритишди. Шунингдек, Бельгияда усмирларимиз ҳам анча муваффақиятли қатнашди. Жумладан, Жаҳоншид Халилов ва Леон Авания кувонч, Дмитрий Ли эса бронза медалларининг соҳиби бўлишди. Уларнинг учови ҳам ҳамшаҳарларимиздир.

Дилшод ИСРОИЛОВ. СУРАТДА: мана шундай қийин машқларнинг самараси Улароқ тазквондочиларимиз жаҳонда энг кучлилардан саналишади.

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ» РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ ЭТАМБЕРАЙЕВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА 15 ноябрдан 20 декабргача КАТТА Цирк томошалари Цирк санъатининг барча жанрлари иштирокида икки бўлимдан иборат ҚИЗҚАРЛИ ТОМОШАЛАР Томошалар жума кунлари соат 18.00да шанба, якшанба кунлари 12.00, 15.00да бошланади. Чипталарни нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан олиш мумкин. Касса соат 10дан 18гача ишлайди.

«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ» РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ Тошкентбўй Заембердиев номидаги Тошкент давлат циркида 1996 йил 21 декабрдан 1997 йил 12 январгача Болалар сизлар учун! мактаб ўқувчиларининг қишқи татил кунларида Циркда арча!



«Эртақда эртақ» Катнашадилар: Қорбобо, Қорқиз, Эртақ қаҳрамонлари Цирк санъатининг барча жанрлари ва ўргатилган ҳайвонлар иштирокида дастур Томошалар 21 декабрдан 27 декабргача — соат 12.00, 14.00да 28, 29 декабрда — соат 10.00, 12.00, 14.00, 16.00да 31 декабрда — соат 16.00да 1 январдан — соат 10.00 да 9 январдан 12 январгача — соат 10.00, 12.00, 14.00, 16.00да бўлади. Чипталарни олдидан сотадиган касса очилган. Чипталарни нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан олиш мумкин. Касса соат 10дан 18гача ишлайди.

ЎЗБЕКИСТОН БУХГАЛТЕРЛАР ВА АУДИТОРЛАР АССОЦИАЦИЯСИ 1996 йил 26, 27, 28 ноябрда ўқув-семинар ўтказишди Анжуман инглиз «PKF Панел Керр Фостер» аудитор фирмаси, Молия вазирлиги ва мутахассислар қатнашувидеа ўтказилди. Уқитиш дастури: 1. Ўзбекистондаги Аудиторлик қонунининг янги лойиҳаси муҳокамаси. 2. Аудит стандартлари. 3. Аудит одоб-қоидалари негизлари. 4. Аудит текширишлар техникаси. 5. Аудитор ўз ишини қандай режалаштиради, текширади ва ёзади. 6. Ички назорат, шу жумладан ички корхоналарда ички назорат. 7. Ҳисоб-китоб олиб бориш таркибининг текширилиши. 8. Ички Аудит. 9. Қўшма ва бирлашган фирмаларда зарар ҳисобини олиш. 10. Баланс. 11. Аудиторликнинг хавф-хатарлари. 12. Молия ҳисоботида эслатма-ишохлар. 13. Аудитор ҳулосаларининг турлари. 14. Семинарда янги «Аудитор маълумотнома» китоби тақдим қилинади. Бизнинг манзилимиз: Нибёзбек йўли кўчаси, 6. (собик Урқий кўча), «Олой» бозори бекати. Телефонлар: 34-01-87, 35-72-51.

Теннис ўйинида асабини тинчлантириб, кишига яхши ҳордик берувчи ҳусусият бор. Унда орқинча шохкич суғаниб, эришиб туртириш ва жароҳат олишига ўрин йўқ. Маҳоратли ўйин мароми эса барчага ўзгача завқ бағишлайди. Теннис ўйини пайтида ҳаракат тананинг барча аъзоларига бирдек тақсимланиши тўғрисида ҳақиқатлар ҳам кўпгина беморларга энг мақбул даво сифатида теннис билан шуғулланиши тавсия қиладилар.

Умидли вакилларимиз

ҲАЁТИНИ ТЕННИС БИЛАН БОГЛАГАН



— Абдуҳамид, ёшлигингиздан бери спортга ошно экансиз. Нима сабабдан айнан теннисни танлагансиз? — Оиламизда спортга жуда катта эътибор беришди. Адам — Абдуҳамид Мақжумов эзким кўраш бўлиб спорт устаси талабининг бажарганлар. Ҳозир ўзлари бошқа соҳада ишласаларда, бизни спорт билан шуғулланишимизга ёшлиқдан қизиқтириб келадилар. Мен ёшлигимда тез-тез калланардим. Уйимизнинг шундоқ рўпарасида «Буревестник» (ҳозирги «Саломатлик») спорт клуби бўлиб, унда сузиш, кураш, дзюдо, самбо ва шарқона яқажураш каби спорт турлари бўйича турараклар ишлайди. Мен дастлаб сузиш билан шуғуллана бошладим. Бирок ўшанда ҳовуздаги сувнинг тозаллиги талабга жавоб бермаганили бени, озроқ вақтдан сўнг теннисга қатъий бошладим. Аввалига клубда шунчаки, жисмоний тарбия сифатида теннис ўйнардим. Жиддий шуғулланиш ҳақида уйлалгандим. Сабаби — бундан 7-8 йил муқаддам теннисга ҳозирдагидек эътибор, қизиқиш ҳам йўқ эди. Машғулотларни бирга бошлаган ўртоқларимиз дедиларки ҳаммаси бирин-кетин бошқа спорт турларига ўтиб кетишди. — Теннисдаги биринчи йирк муваффақиятнингизни тез-тез эслаб турасизми? — Албатта! 1991 йили Наманганда Сами Адашев хотира соврини учун собик Иттифок турнири ўтказилганди. Оқини, ушанда биринчи ўринни оламди, деб уйлалгандим. Чунки мусобақага кўпгина республи-

— Тенниснинг нуфузи жуда тез ўсиб боришти. Ҳатто «Пахтакор» стадионида бошқа спорт турлари билан шуғулланувчилар ҳам вақт топиб теннис ўйнайдилар. Теннис билан ёш қари бирдек шуғулланса бўлавермасди, у ҳамнингиз жисмоний имкониятларига мос ўйин. Чет элларда теннис жуда нуфузли, қимматбахо спорт тури ҳисобланади, у билан фақатгина катта маблаг эвазига юқори тоифа вакилларига шуғулланиш мумкин. Бизда эса тенниснинг нуфузи сақланган ҳолда, у билан дедиларки ҳамма бемалол шуғулланиши учун имкониятлар бор. Бу шубҳасиз, Ўзбекистон теннисининг катта ютуғидир. — Сиз чет мамлакатлардаги халқаро мусобақаларда қатнашгансиз. Ўзбекистон теннисининг Осиёдаги мавқеи қандай? — Шунингдек айтишим мумкинки, жамоа ҳисобида, алоҳида теннисчиларнинг рейтинг даражалари бўйича ҳам республикамиз Осиёда энг пешқадамлардан бири ҳисобланади. Масалан, Олег Гордоров бундан Осиёда яқинчилик теннисчи Мобулоқадан кейин иккинчи ўринда туради. Ундан сўнг ҳиндистонлик Ландер Пайес, туртинчи ўринда эса Дмитрий Томашевич бўлиб, ҳатто у Ландер Пайес устидан ҳам бир гал ғалаба қозонган. Ҳиндистонлик теннисчи эса Атланта Олимпиадасида қатнашиб, ярим финалгача чиқиб борган. Хуллас, Ўзбекистон теннисчилари қисқа вақт ичида Осиёда энг юксак мавқелардан бирини эгалладилар. — Теннисчи ўзининг дастлабки рейтинг рақамини қандай бошлайди? — Рейтинг халқаро эътироф олувчи мавқелар таъсирини бўлиб, уни дастлаб бошлангич муайян қоидалари бор. Сателлит мусобақалари бўйлаб энг дастлабки босқич ҳисобланади. Ушбу турнир бир ой мобайнида ўтказилиб, дастлабки 3 ҳафта ичидаги натижаларингиз бир халқаро оқибатга тенгласа, туртинчи ҳафтада мастери босқичга чиқилди. Шундан сўнг иккинчи босқичга қараб, рейтинг рақам ҳам ортиб бораверади. Хуллас, энг оддий қилиб тушултирсанга, ана шундай қоидалар асосида рейтинг ҳисобини бошлаш мумкин. Албатта, бунинг учун катта меҳнат ва маҳорат талаб этилади. — Келгусиздаги режаларингиз қандай? — Ҳозирда айтган шайрога кўра ҳаётимиз теннис билан боғлашга аҳд қилганимиз. Асосийси — ўз қимматини намойиш. Жамоамиз ҳам, устозларимиз ҳам энг маҳоратли спортчилардан иборат. Шу оининг охирида Бирлашган Араб Амирликларида ўтказилган халқаро мусобақаларда қатнашиб тайёрлангилар. Унда жуфтлиқ баҳрида Темура Ганиев билан ҳамкорликда қатнашамиз. — Сизга ғалаба ёр бўлсин! Бахтиёр ҲАЙДАРОВ сўхбатлашди Сурагда: Абдуҳамид Мақжумов машқ пайтида.

Футбол

ҲАВАСКОРЛАР ЖАМОАЛАРИ БЕЛЛАШДИ

Илгари хабар берганимиздек, «Юнусобод» туманида болалар ўқув муассасалари, корхона, ташкилотларда футболни ривожлантиришдек ҳайрли мақсадларни қўлаб ўтказилган туман ҳокими қўбуги учун беллашувлар нияҳосига етди. Катталар жамоалари орасида барча рақибларини доғда қолдирган «Саманган» фирма дўхони ҳамда «Ўзбеккишлоқмаш» ишлаб чиқариш биришларидан финалгача чиқишди. Ишқибозлар билан тўлган фойзал «Асбобсо» ўйингоҳида халқ килувчи баҳсада рақибларини 2:1 ҳисобида енгган «Саманган» командаси ғолиб сифатида Тошкент чинни заводида ишланган ажойиб Кубок билан тақдирланди. Учинчи ўрин эса молия институтини командасига насиб этди. Барча совриндорларга дарст спорт ўйини анжомлаш топширилди. Шунингдек, энг яхши дарвозабон, химоячи, ярим ҳимоячи, ҳужумчи ҳамда ҳакамга қимматбахо совғалар тақдим этилди. Ҳали андиқилганда, бирок энг қизиқарли ўйин ҳали олдинда. «Асбобсо», «ТошГРЭС» каби профессионал командалар ва «Саманган» жамоаси орасидан энг қуллиси суперкубок соҳиби бўлади. Дилшод ИСМОИЛ.

Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт

«ЭНГЕР» РУСМИНИ ТУПОНЧА

Шаҳар ИИББСИ жиноят-қидирув бошқармаси ва Бектемир тумани ИИБ жиноят-қидирув бўлими ходимлари ҳамкорликда ўтказилган теҳзор тадбир натижасида Бектемирдаги уйлардан бирида яшовчи, шахримиздаги корхоналардан бирида бригадир бўлиб ишлайдиган А. Петрининг уйидан 1941 йилда чиқарилган 5,63 калибрий «Энгер» тўпонаси топилди. Киши умрига завоаб бўлиши мумкин бўлган жанговар қуролни бу шахс қардан ва қимдан олганлиги тергов ҳаракатлари орқали маълум бўлди.

МАШИНА УГРИСИ

О. Шерзод ҳеч қарда ишламайдиган. Ишлагани ҳам хоҳламиди. Шерзод уна-муна кунлик тушумдан кўнгли тўлмади шекилли, каттароқ ўлжаларни кўлга киритишга ҳаракат қилди. Октябрь ойининг охири кунларидан бирида у Ҳамза туманидаги кўчалардан бирида турган «ВАЗ-2101» русумли яхши рангдан «тойқоқ»ни кўрдию жаели бошдан унда кетди. Қандай қилиб бўлса ҳам уни жонловлаб олишни уйлди. Жон ким йўқлигидан фойдаланиб эшикларини тортиб қўрди. Буни қаранг орқа эшиклардан бири ёпилаганди, андиқор қўлланмаганиди. Дарров машинани очиб симларни бир-бирига

Ножўя иш — келтирар ташвиш

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида О. Шерзод Сирғали туманида қўлга олинди.

ИЧКИЛИКБОЗЛИК ОҚИВАТИ

Ичкиликнинг киши ҳаётига қанчалик ёмон таъсир этишини кўп бор таъкидлаган. Юнусобод даҳаси 7-маҳалда яшовчи А. Рашид ҳам бунини жуда кўп эшитиб келди. Аммо у кўнлардан бир кун буюқунча арақ ичиб, сал шомоллагани айвонга чиқди. Кайфи баландлиги натижасида ўз ҳаракатини бошқара олмай 8-қаватдан паस्ता қулаб тушиб оламдан кўз юмди. Мирза АБДУЛЛАЕВ, Тошкент шаҳар ИИББнинг матбуот хизмати ходими.

БОШ МУҲАРРИР ЭРКИН ЭРНАЗАРОВ

TOHSHKENT OQSHOMI TOHSHKENT OQSHOMI. Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОҚИМЛИГИ. Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Магбуотчилар кўчаси, 32. Телефонлар: хатлар — 33-29-70; эълонлар: 33-08-74; факс: (3712) 33-08-74. Дўшанба, торшанба ва ҳуҷра кўчалари чиқади. Нашр қилувчиси 64690. Нашринг етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлима-рига ёки «Тошкент» почтасига 33-74-05 телефони-га мурожаат қилишингиз мумкин.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ. Рўйхатдан ўтти тартиби: №10. Буюртма Г.0632. Ҳалом — 2 босма табоқ офсет усулда босилади. Қўзғат бичими А2 «Шарк» нашрият матбаа-коопераци босмаханаси. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-й. Босмага тошшириш вақти 11.30. Босмага тошшириш вақти 11.30. 5.443 нусxada босилади. 123456.